

Ашурали ЖЎРАЕВ

**САҲИФАГА СИҒМАГАН
САТРАЛАР**

*Ҳаётнинг жажжи сабоқлари,
қулоққа чалинган иборалар ва
ҳазил қайдлар*

Тошкент
“Истиқлол” — 2008



84 (5Ў)6

Ж96

Масъул муҳаррир Жаббор Раззоқ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурали Жўраев узоқ йиллардан буён матбуотда фаол қатнашиб келади. У қатор насрий китобларнинг муаллифи. Хизмат юзасидан кўп жойларда бўлади ва кўплаб одамлар билан мулоқот олиб боради, ҳаётни кузатишдан эринмайди. Ушбу битиклар ҳам ана шу кузатишлар ва мулоқотларнинг меваси.

А. Жўраевнинг навбатдаги тўпламини ўқиб баҳолаш сиз азиз ўқувчилар ҳукмига ҳавола.

ISBN 978-9943-338-39-5

© Ашурали Жўраев,

© «Истиқлол нашриёти» 2008 й.



Ижодкор тафаккури “абадий двигател”га ўхшайди: фикрлаш ва изланишдан бир зум ҳам тўхтамайди. Истеъдодли адиб Ашурали Жўраевнинг “Саҳифага сиғмаган сатрлар” мажмуаси ҳам шундай тафаккур мевасидир. Шарқ адабиётида бу йўналишдаги асарлар ҳамма замонларда бўлган. Бир қарашда насрдаги рубоийга ўхшайдиган қисқа ва лўнда қайдларнинг ҳар бири ўз ҳолича алоҳида асар бўлиши ҳам мумкин. Бироқ улар шу йўсинда, шу ифодада акс этган.

Бир нарсани биламан. Бундай ўйлар кундалик кузатув ва фалсафий хулосалар муаллиф томонидан атайлаб “ўзининг донолигини кўрсатиш” ёки бошқаларга панд-насиҳат қилиш учун қоғозга тушмайди.

Улар вақти-соати етганида ўзи туғилади. Худди учиб келган қушлардек... Бундай битикларда ёзувчининг ҳаёт, инсон қисмати, унинг буюклиги ва тубанлиги ҳақидаги хулосалари акс этади. Ва уларда фикр билан туйғу уйғунлашиб кетади. Шу боис буни бадиий асар дейиш керак. Сўнги йилларда бундай изланишлар кўпайиб бормоқда. Буни қувватлаш лозим.

Ўйлайманки, Ашуралининг китобчаси ўқувчи қалби ва онгига эзгулик олиб киришга ҳисса қўшади. Ҳаёт ҳақида мушоҳада қилишга чақиради.

Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Бир оғиз сўз билан ҳам бузиш, ҳам тузиш мумкин. Кудратингдан айланай, сўз!

* * *

Куш уясида кўрганини қилмаса, унинг кушлигига шубҳа қилишади.

* * *

Болалиқдан то кексайгунга қадар “одам бўл” деб такрор-такрор айтишади. Наҳотки, одамнинг бутун бир умри одам бўлиш учун етмаса?

* * *

Чироғинг мудом ёниб туришини истасанг, шамолнинг йўлини вақтида тўсгин.

* * *

Хато қилиб, кечирим сўраш — жасорат. Кечирим сўраб, амал қилиш — мардлик!

* * *

Минг машаққатлар билан эшикка етиб келсанг-у, остонадан ўтолмасанг қандай ёмон, қандай даҳшат?



* * *

Яхши шеърда юк бўлиши керак, дейдилар. Лекин бу фикрни филдай шеърда чумолининг юки бўлиши керак, деб тушунмаслик лозим.

* * *

Ҳасаддан бошқа дардга даво топилади. Лекин ҳасадгўйга... ҳатто, илоннинг заҳри ҳам кор қилмаса керак.

* * *

Чидам деган сўзга фақат инсонгина чидаш мумкин.

* * *

Таниқли ёзувчи Неъмат Аминов бир гал афсус билан шундай деган эди: “Бухорои Шарифдаги энг аслзода хонадонлар ароқ туфайли ҳалокатга йўлиқди”. Минг афсус ва надоматлар бўлғайки, бу даҳшатли ҳалокат фақат Бухорода бўлган эмас... Собиқ шўролар тузуми даврида ичкилик бутун бир авлодни, халқларни абгор қилди.



* * *

Кўз ёши ғам билан шодлик ўртасидаги мувозанат белгиси.

* * *

Хотинни қанчалик тарбия қилма, уриш-ма, мақтама барибир у охир-оқибат хотин бўлади.

* * *

Адабиётнинг дарвозасида қоровул йўқ. Бе-е-малол ... чиқиб кетишинг мумкин.

* * *

Кўзингга тик қараб ёлғон гапирган одамнинг аслида қиёфаси бўлмайди.

* * *

Муҳаббат оловига барча ёшдаги одамлар мубтало бўлишлари табиий. Лекин бахтли бўлиш, ҳамма ёшдагиларга ҳам насиб этавермайди.

* * *

Бечора “файласуф” келиб-келиб ошкоралик даврида гапини йўқотиб қўйди.



* * *

Бизда танқилчилар ва адабиётшунослардан кўра, қораловчилар билан инкоршунослар кўпроқ.

* * *

“Шарқ фалсафаси”, “Шарқ донишмадлиги” тушунчаларини фақат дин билан боғлаш ҳақиқатга бир кўз билан қарашдир.

* * *

Сени ҳамиша эркататган ҳаёт — зерикарлидир.

* * *

Муҳаббат — асал аралаштирилган аччиқтош.

* * *

У ҳамма асарни жаҳон адабиёти қолипида ўлчайди. Ўзининг ёзганларини ўша қолипга солиштирсанг, юк ҳам бўлмай кетади.

* * *

Тишингни тишинга қўй, ҳаммасига



чидагин, дейишади. Унда шўрлик тиши
йўқлар нима қиларкин?

* * *

Енгилтак, ҳовлиқма ва фикри саёз
одамлар шарга ўхшайди. Арзимаган тасодиф
билан ёрилиб кетади.

* * *

Оломон бир-бирини қалбан ва маънан
тушуниб етгандагина миллатга айланади.

* * *

“Жон дўстим, жоним дўстим”, деб
жонингни “олганини” билмай қоласан.

* * *

Ҳаётда ҳушёр бўлиб яшаган яхши. Лекин
ўз соянгдан кўрқма!

* * *

Саёз асарлар улкан иморат деворларига
қўйилган, мўрт фиштарга ўхшайди.



* * *

Итнинг важоҳати ва мақсадини хуришидан билса бўлади.

* * *

Қўлида тош ушлаб юрганлардан эмас, дилида тоши борлардан кўрқ.

* * *

Мушук йўқ жойда сичқонлар умргузронлик қилиб яйрайди.

* * *

Ҳар гал футбол ўйинини кўрганимда, ҳаётда тўпга ўхшаш одамлар борлигидан афсусланаман.

* * *

Буюк санъаткор Шукур Бурхон истеъдоди теранликда Амударёга ўхшайди...

* * *

Зиёлиси яқдил ва яктан бўлмаган эл — саҳрода адашган карвонга ўхшаб дайдийди.



* * *

Ҳақиқатни айтишдан кўрқсанг, гапирма.
Гапирдингни, унда ҳақиқатни айт!

* * *

Эркин Воҳидов шеърини тип-тиник
осмон бағрида олис-олисларга учиб кетаётган
турналарнинг мангу армон қўшиғини
эслатади.

* * *

Нўноқ ўқитувчи фақат нўноқ ўқувчининг
эсида қолади.

* * *

Сўзи сағир элнинг ўзи ҳам сағир бўлади.
Она-сўз хор бўлган юртда барака унмайди.
Ҳақ сўздан узилган ё ундан батамом айрил-
ган миллатни ҳар жиҳатдан сўқир ва
маърифатсиз қилиб қўйиш шўроларнинг
шафқатсиз сиёсати эди.

* * *

Баҳорда ям-яшил япроққа муҳаббат
сўзини битган эдим. Кузга келиб япроқ
сарғайиб кетди. Наилож?



* * *

Таниқли адиб Одил Ёқубов газетада ишлаган кезларида ушбу фикрни кўп такрорлар эди: “Газета қизиган тандир! Сен оловнинг қаршисида турганингни унутма!”.

* * *

Чин муҳаббат қалбнинг шундай жойида бўладики, на айта оласан, на кеча оласан...

* * *

Ҳар қандай ўткинчи шабада ёки енгил-елпи шамоллар қаршисида титрайверма. Олдинда бўронлар бўлиши мумкин.

* * *

Узоқ вақт зулматга ўрганган одамнинг кўзлари ёруғликдаги ҳамма нарсаларни теран кўравермайди.

* * *

Муқаддаслик йўқолган жойда вайроналик бошланади.

* * *

Ҳар қандай ижодкор учун энг зўр тар-ғиботчи — истеъдод билан яратилган асар.



* * *

Тиши оғриган бемор, врачнинг омбуридан
қўрқиб қулоғини кўрсатиб юборди.

* * *

Отадан бевақт айрилиш — кўз олдингда
улкан тоғ қулагандай гап.

* * *

Камтаринлик — кийим эмаски, уни кўз-
кўз қилиб мақтансак.

* * *

Мансабда жоду бор. Унга берилдингми
қурбонига айланасан.

* * *

Ҳар сафар хато қилганимда ўзимни ўзим
юрагимдаги афсус-надомат дорига осолмай
қийналаман. Арқонинг мунчалар заиф
бўлмаса, юракдаги дор?!

* * *

Ёлғон ҳар қандай самимиятнинг ил-
дизини қирқади.



* * *

Инсон энг оғир меҳнатга ҳам кўникади.
Кўникмай иложи йўқ. Аслида у ана шу
меҳнатдан манфаат кўришни истайди.

* * *

У тулки кўз эди. Кўзойнаги остидаги
кўзлари арча чироқларидай йилт-йилт ёниб
турарди.

* * *

Фарзандлар олдида тарбия кўзгусини
синдириб қўйишдан эҳтиёт бўлинг.

* * *

Эркинликнинг ҳам меъёр ва мезони бор.
Эркинлик ҳам эшикдан, ҳам деразадан, ҳам
туйнукдан айюҳаннос солиш дегани эмас!

* * *

Дўпписи йўқ дунё.

* * *

Танасига қурт тушган дарахтнинг
гуллашидан фойда йўқ.



* * *

Гапираётган одамнинг сўзини бўлиш одобсизлик, унинг гапини тингламаслик эса такаббурлик.

* * *

Баъзан ўйлаб қоламан: майда гаплар уммонида сузиб юрган катта миллат эмасмизми?!

* * *

Агар икки кўлингни маҳкам боғлаб кўйиб, сўнгра овқат егин, дейишса нима қиласан, эй баднафс?!

* * *

Оиланинг сирини тўрт девор биледи.

* * *

Маҳмадона ва ўзбошимча одам охир-оқибат ўз бошини ейди.

* * *

Олмосни фақат олмос кесади.



* * *

Манфаат ва жигилдон бор жойда маъна-
вият озор чекади.

* * *

Тузни ялаш билан шакарга айлантриб
бўлмайди.

* * *

У хотинининг ортидан дадил гапириб,
дадил юради.

* * *

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз саҳнаси бор. Лекин
ҳамма гап унда қандай намоён бўлишда.

* * *

“Хушомад ҳўкизнинг белини синдиради”,
— деган ҳикматли ибора бор халқимизда.
Лекин белни синдирар даражада хушомадгўй
бўлиш учун ҳам истеъдод керак.

* * *

Машҳур санъаткор Комилжон Отани-
ёзов ниҳоятда учар ва такаббур бир



шогирди ҳақида шундай деган экан: “Бу, ер юзингни олдим, осмонингга эҳтиёт бўл, дейдиган хилидан”.

* * *

Собиқ шўро тузуми тўғри ва доно фикрни ёмон кўрарди. Қанча-қанча теран ва мард улуғ фикрлар бўғилди, осилди, қатағон қилинди... Аслида ҳар қандай империя фикрдан қанчалар кўрқмасин, барибир уни фикр парчалаб, фикр қулатганидек, шўрони ҳам фикр яксон қилди.

* * *

Фақат қабрларгина қулфсиз. Бироқ ундан чиқишнинг иложи йўқ.

* * *

Ижодкорни элга қалам танитади. Унинг обрў-эътибори, мансаби, мукофоти ҳам қалам. Худо ҳеч вақт қаламдан айирмасин.

* * *

Ҳаёт экан: гоҳ шернинг, гоҳ итнинг, гоҳида эса эшакнинг хизматини қилишга тўғри келади.



* * *

У ашаддий гуруҳбоз эди. Жой бўлса-ю,
тобутда ҳам ўз гуруҳи билан кетса...

* * *

Ҳаётда ҳамиша насиҳат бозори гавжум.
Фақат харидор танқис.

* * *

Мансабни юқорига осилиб чиқадиган арқон
деб билган бир мансабпараст охир-оқибат ўша
арқон билан осилди.

* * *

Шарҳловчининг фикри жағида бўлади.

* * *

Игна ажойиб нарса! Юрган йўлидан
мустаҳкам излар қолдиради. Ўша машаққатли
излар эвазига биз янада чиройли бўлиб
кетамиз.

* * *

Бир шоир шеърларини мароқ билан
берилиб ўқирди. Мухлислар унинг



шеърига эмас, кўнғироқдай овозига чапак чаларди. Буни шўрлик шоир билармикин?!

* * *

Эшак-ку эшаклиги учун ҳанграйди. Сен нима учун ҳанграйсан?!

* * *

Ҳасад аралашган энг юксак истеъдод ҳам қоракуяни эслатади.

* * *

Севгининг бир кўзида қувонч, бир кўзида изтироб бўлади. Шунга чидасанг севавергин.

* * *

Истеъдодли адиб Неъмат Аминов — Бухоронинг ҳам ёзма, ҳам оғзаки адабиёти эди.

* * *

“Ит вафо, хотин жафо”, дейишади. Наҳотки, ўша вафонинг бир мисқоли хотинларда топилмаса?!



* * *

— Нега нукул ифлос жойда юрасан, —
деб сўрашибди пашшадан.

— Лойимни ўша жойдан олишган, —
дебди пашша ғурур билан.

* * *

Қонун — сақич эмас.

* * *

Тез қоқилишни истасанг, бемалол
шошавер!

* * *

Дарахтларнинг танасини ҳеч қачон болта
билан «силаманг». Сўнг ким йиғлайди
уларнинг ҳолига?!

* * *

У фойдаси тегмайдиган одамнинг ҳатто
кўчасидан ўтмайди.

* * *

Ҳақиқий шеър — юрагингда бўрон
ясайди.



* * *

Хато қилган одамдан асло кулма. Чунки кулиб хато қиласан.

* * *

Буни қарангки, порахўрнинг ҳам “фалсафаси” бор.

* * *

Билимсиз одам билан баҳслашиш — пушаймонлик келтиради.

* * *

Жоҳил бўлманг! Жоҳил ўзини ўзи емиради.

* * *

Катта талантлар — ҳамиша ҳам катта феъли бўлавермайди.

* * *

Ишончсиз муҳаббат — даладаги кўриқчига ўхшайди.



* * *

Ҳаёт ўйини қизиқ: яхшилар ва ёмонлар бир-бирларидан қусур излаш билан умрларини ўтказадилар.

* * *

Баъзи устозлар: “Қачон катта бўласан, қачон кенг бўласан” дейишади-ю, ўзлари майдалик «намунасини кўрсатиб» нуқул «тор йўллар»дан юрадилар.

* * *

Шўро даврида кўрдик: катта мин-барлардан катта дардлар, катта муаммолар ва... катта ёлғонлар беармон айтилди...

* * *

У шу қадар мунофиқ эдики, ҳатто ўз отасига тухмат қилишдан тоймасди.

* * *

Ўз-ўзига маҳлиёлик истейдодни емиради.



* * *

Маданиятсизлик — ваҳшийликнинг дояси.

* * *

Ижодкорлар ўртасида маҳаллийчилик ва гуруҳбозлик авж олса, адабиёт озор чекади.

* * *

Ишончсизликдан гумон пайдо бўлади.
Гумондан — хато. Хатони тузатгунча умр ўлиб кетади.

* * *

Бир пок устозни нопок шогирд туя
етаклагандек ўз измига солиб юрганини
кўриб ёқа ушладим.

* * *

“Тилингни тишла!” дейишади. Унда ер
юзида соқовлар кўпайиб кетарди.

* * *

Ҳасад аралашган истеъдод — мўрига
ўхшаб тугайди.



* * *

Ойбек — адабиётимизнинг бетимсол
фариштаси.

* * *

Ҳар қандай ижодий уюшмага киришдан
аввал, ижодкор виждон уюшмасига аъзо
бўлиши керак. Агар у бўлса...

* * *

Тухматни туфлаб бировга ёпиштириб
бўлмайди.

* * *

Манфаат қулига айланган кимса сотқин
бўлади.

* * *

Мансабпарастлик ҳам бедаво дард.

* * *

Фикри беқарор одам — варракка
ўхшайди.



* * *

Етишмовчилик — одамни ҳар куйга солади: биров бунга сабр-бардош билан чидайди, биров ҳайвонга айланади.

* * *

Қонимизни уруғ-аймоқчилик касалидан тозалаш зарур. Ундан ҳам хавфлиси маҳаллийчилик балоси, у гўё темирнинг зангига ўхшаб миллатни емиради.

* * *

Ўғри намоз ўқигани билан тўғри бўлмайди. Гуноҳлари олдида тавба қилади, холос.

* * *

Баъзан учраб турадиган чаласавод домла ҳам, олим ҳам пўкакка ўхшайди.

* * *

Тарбиясиз аёл фақат оилага эмас, жамиятга ҳам зиён етказди.

* * *

Агар одам ҳаётлигида ўзини-ўзи англаб етмаса, сўнгра унга бир газ ер ҳеч нарсани ўргатмайди.



* * *

Шундай тоифа борки, ўзини ё яхши, ё ёмон қилиғи билан кўрсатишни истайди.

* * *

Феълимиздаги айрим қирралар билан тиконга ўхшаймиз. Шу боис ҳам бирлашолмаймиз.

* * *

Юрагимда чўғ бўлади сатрлар.

* * *

Жаҳолатнинг илдизи — тарбиясизлик ва билимсизликда.

* * *

Лоқайд одам, лоқайд оила бўлиши мумкин. Лекин лоқайд халқни асло тасаввур қилиб бўлмайди.

* * *

Пушаймонлик билан дардни даволаш мушкул.



* * *

Кўз — қиёфанинг харитаси.

* * *

Биз кўпинча адолатсизлик, ҳақсизликдан нолиб юрамиз. Лекин бизга адолат ва ҳақ йўли кўрсатилганда ундан юришга эринамиз.

* * *

Яхшилик марднинг белбоғига ўхшайди.
Уни тақиш ҳаммага ҳам nasib этавермайди.

* * *

Мени мақтасангиз аста қулоғимга мақтанг.
Бошлиғимиз эшитса хафа бўладилар.

* * *

Пашша қанотлари, танаси ва юзини эринмай ювди-да, учиб бориб ахлатга қўнди.

* * *

Жаҳл шиддат билан соҳилга урилган тўлқинга ўхшаб, талофат етказди.



* * *

Мансабпарастлик билан такаббурлик
эгизак.

* * *

Завқланиш ҳар хил бўлади. Биров яхши-
лик қилиб завқланса, бошқа бир тоифа
ёмонлик, гийбат кўчаларида юриб завқла-
нади. Яна бир тоифа эса зулм ўтказиб завқ
олади. Бунисига нима дейсиз?

* * *

Қайтиб чиқишни билмаган кўчага
кирмаслик керак.

* * *

Хотин мудом орзу қилади. Эр ана шу
орзуларни амалга ошираман, деб умрини
ўтказди.

* * *

Алданаётган одам қармоққа илинган
балиққа ўхшайди.



* * *

Киприк қоқма, жоним, юлдузлар тўкилади.

* * *

Мақтов бедаво дард. Унга мубтало бўлдингми, қутулишинг қийин. Ҳатто бировнинг жанозасида ҳам мақтов эшитгинг келади.

* * *

Хотиннинг йўригидан юрган эркакнинг ҳаммаси ҳам бахтли бўлавермайди.

* * *

Унинг бахтсиз ва омадсизлиги қайроқи тилиданлигини шўрлик олтмишга кириб ҳам англаб етмади.

* * *

Баъзи матбуот нашрлари — тишсиз қарияга ўхшаб қолди.

* * *

Ишламаган қонун — ҳазм бўлмаган овқат сингари айнийди.



* * *

Олди-қочдига асосланган кўча матбуоти
ўқувчини чумчуқ фикр қилиб қўяди.

* * *

Одамгарчилик ўзбекчиликнинг тўни.

* * *

Одам ғалати зот, унга нима етишмаса
шунинг қулига айланади.

* * *

Маънавият — қалб гавҳари.

* * *

Оёғим кўчада қолган эмас. Қарзимни
қачон берасан?..

* * *

Ўзбеклар орасида ўзбек бўлиб яшашнинг
якши ва ибратли жиҳатлари билан бирга,
анчайин машаққатлари ҳам борлигини фақат
ўзбек билади.



* * *

Ҳамсояннинг ҳўкизи йўқолса ашула айтиб
излайди.

* * *

Матбуот бозорида бош муҳаррирлар
касодага учради.

* * *

Булут тоғ бўлолмайди.

* * *

Энг хавфли ёнгин — маънавий ёнгин.

* * *

У шундай ишбилармон хотинки, эрини
асло бойиб кетгани қўймайди.

* * *

Қари от билан ҳақиқий чавандозни
маррага етказиб бўлмайди.

* * *

Кўрқоқ дўстан кўра, хушёр дўст
хавфли.



* * *

Унинг туғма муттаҳамлигига шубҳа йўқ.

* * *

Дунёда ҳалол бўлишдан ортиқ ҳалол
машғулот йўқ.

* * *

Одамнинг вужуди ва онги кўрқув ис-
канжасига тушганида ҳар қандай эркин-
ликдан хавфсиради. Бу шўро даврида аён
бўлган ҳақиқат эди.

* * *

Ёмондан ҳазар қилишга ўрган.

* * *

Хатоларсиз яшаган кишини мукамал
инсон, деб бўлмайди.

* * *

Одам ҳамиша садоқатли дўст ёки вафоли
ёр излайди. Лекин ўзи қай бирига
мансублиги ҳақида ўйлаб кўрмайди.



* * *

Ҳар қандай шаритакиликда озгина андиша
пардаси керак.

* * *

У яхши аёл эди, лекин яхши хотин
бўлолмади.

* * *

Шундай тоифа борки, давраларда ё ҳазил,
ё гийбат қилади. Агар ҳазил билан гийбат
тугаса, дарҳол насихатга ўтади.

* * *

Унинг тили кўрпадай.

* * *

Бадхўр одамнинг тилида ҳам шунча заҳар
бўладими? Илонни чақса ўлдиради-я?

* * *

Қасамхўрга қасам ичиш чой хўплашдай
гап.



* * *

Ёмоннинг кўчасидан ит ҳам
ўтишга ҳайиқади.

* * *

Фирибгарнинг шайтони бошқа.

* * *

Қалдирғоч офтобда чўмилди.

* * *

Кўпкари чопиб юрган отнинг қариганида
ҳам чопгиси келади.

* * *

Сотқинлик — ювиб бўлмайдиган доғ.

* * *

Фикри тез-тез ўзгарадиган одамнинг йили
чумчуқ бўлса керак.

* * *

Ёмғирда қолган гулдан томчилар муччи
олди.



* * *

Зиёли ҳар қандай шамолга қараб пилди-
райдиган япроқ эмас.

* * *

“Отдан тушса ҳам эгардан тушмайди”,
дейишади. Агар эгарга елим томган бўлса-
чи?!

* * *

Отага ҳам совға берган боласи ёқади.

* * *

Худонинг ҳақиқати ҳамиша узоқда бўла-
ди. Унга сабр-тоқати борларгина етишади.

* * *

Виждон гавҳарини йўқотмаган инсоннинг
дўсти фаришта бўлади.

* * *

Талантнинг ёнида кушандаси соядек
эргашиб юради.



* * *

Омадсизнинг юмуши — нолиш.

* * *

Тарих — не-не ўчирғичларни кўп кўрган
ҳақиқий донишманд.

* * *

Ҳар қандай хато англаб етган одам учун
тарбиядир.

* * *

Ёш ўтгандан сўнг келадиган муҳаббатнинг
олови тез ёнмайди. Пуфлашнинг фойдаси
йўқ.

* * *

Биттаси куни ўтмаганидан эшакни тоға,
деган экан. Қани энди қариндошлигини
жонивор ҳам билсайди.

* * *

Бошингга фожа тушса ҳақиқий дўст-
лар қайгурадилар. Таниш-билишлар
шунчаки ҳамдардлик бирдирадилар.



Кувончли кунларда эса, дўстлар чин дилдан кувонса, таниш-билишлар шунчаки жилмаядилар.

* * *

“Чаноқлар очилаётганда қовурғалари қирсиллаб кетди”, деб ёзган иборамни бир қовурғаси йўқ муҳаррир ўчириб ташлади.

* * *

Шўродан қолган жароҳат: кўрқув ҳукрон бўлган юракда жаҳолат ин қуради, мутъелик илдиз отади.

* * *

“Кўп пуфласа бўрон туради”, деган ҳикмат бор. Сен кўп чиранма, чунки, нафас ушлайдиган аъзоинг яроқсиз.

* * *

“Хотин билан бир жойда ётишда хислат йўқ. Хотиннинг нафаси эрни қаритади”, — деган экан Каромат Ҳожи.



* * *

Баъзан одам одамгарчилиги ҳақида ўйлайвериб, одамийликдан чиқиб кетади.

* * *

Ҳақиқат аччиқлиги билан қалампирга, ширинлиги билан асалга яқин туради.

* * *

Шундай ҳазил ибора юради: “Товуқ гўштини яҳудийлар касал бўлмаслик учун истеъмол қиладилар. Ўзбеклар эса касал бўлганидан сўнг товуқ шўрва ичадилар”.

* * *

Ҳамиша ҳушёр бўлиш яхши. Лекин бу ҳушёрлик қўрқув билан оға-ини тутинса жаҳолатга олиб келади.

* * *

Сўз — ҳақиқатнинг дояси. Лекин у қайси оғиздан чиқишига боғлиқ.



* * *

Машаққатли меҳнатга, тинимсиз ижодга
ва чексиз заҳматга чидаганлар журналист
бўлади.

* * *

Инсоний муомала сабоқларини ўргана-
ётганда шайтондан дарс ола кўрманг.

* * *

Қазо қилгандан сўнг унутилиш табиий.
Тирик туриб унутилиш — фожеа.

* * *

Кутубхоначи — маънавий табиб.

* * *

Китоб дўкони — маънавий дорихона.

* * *

Ёлғон бозорда туғилади. Ишонмасангиз
бозорга боринг...

* * *

Бинони йиқитиб, бино қурган эмас,
бинонинг ичини тузатган устанинг
харидори кўп бўлади.



* * *

Ўзбек бўлиш шараф. Лекин ўзбекчиликда
мардлик бор.

* * *

Раҳмат айтмаганга яраша, қарғама!

* * *

Муттаҳамлар тайёрлайдиган махсус мак-
таб йўқ. Аммо муттаҳамликни ўргатаётган
устозлар бор.

* * *

Ҳар ким ўзи касб қилган айёрлик қар-
моғига илинади.

* * *

Қишлоқдаги ақл билан шаҳарлик такаб-
бурни алдаб бўлмайди. Ёки аксинча ҳам
бўлиши мумкин.

* * *

Гўшт есам тишимга, емасам тушимга
киради.



* * *

Кўшнининг боласи бирор ножўя иш қилса, насиҳат қиласан. Ўз боланг шу ишни қилса, юрагинг қон бўлади.

* * *

Пули бор сўзлайди, пули йўқ бўзлайди.

* * *

Хас кўзга бежиз тушмайди.

* * *

Нафаси қайтмаган одам сузишни ўрганолмайди.

* * *

Шўрванинг кетидан нуқул чой ичиш, шўрвани ҳақорат қилиш билан тенг.

* * *

— Нега қайноталар келинларига кўпроқ меҳрибон бўладилар?

— Чунки уларнинг иккови ҳам бир одамдан ҳайиқадилар.



* * *

Китоб ўқиш адабиётни билиш дегани эмас.

* * *

Ҳамиша қайси вазифада ишлашдан кўра, қандай яшаш муҳим ҳисобланган.

* * *

Диндорнинг риёкорлигидан шайтон ёқа ушлади.

* * *

Гап қошиқсиз овқат ейишда эмас. Энг муҳими, қошиқ қўлга тушганда ундан инсоф билан фойдаланишда.

* * *

Эр-хотиннинг бахтли умри иккига бўлинади: бири болалар, иккинчиси наби-ралар дунёси билан яшаш.

* * *

Унинг шунча ақли ва билимига бир чимдим фаросат етишмасди.



* * *

Бойваччанинг қариндоши, пулдорнинг божаси сероб бўлади.

* * *

У шунчалар айёр эдики, ҳатто бировнинг таҳоратига ҳам намоз ўқиб кетаверарди.

* * *

Эшак шўрлик Африкада ҳам, Америкада ҳам эшак экан.

* * *

Бир танқидчининг шиори шундай эди: “Мақтаб, пачақла!”.

* * *

Ёлгон қанчалар ишонарли бўлмасин, кўпикни эслатади.

* * *

Ёмон хотинни уриш-сўкиш билан фақат кўрқитиш мумкин. Лекин тарбиялаб бўлмайди.



* * *

Яхши одам асаларилар аримайдиган гулдай азиз.

* * *

Танқид қанчалар аччиқ, ёқимсиз бўлмасин, усиз яшаб бўлмайди.

* * *

«Танбеҳ эшитгани эвазига ош қилиб берадиган бундай одамларни яна қаердан топасиз?» — деди маҳалла оқсоқоли.

* * *


Чўзилган латифадан кулги қочади.

* * *

Эшак юки оғирлигидан нолиб ҳанграмоқчи эди, овоз чиқмади.

* * *

Бойлик — айримларни сохта донога, айримларни меҳрсиз меҳрибонга, айримларни эса шохсиз шайтонга айлантирар экан.



* * *

У шу қадар лаганбардор эдики, ҳатто бир
даврада ўз ўғлини хўжайинники, деб юборди.

* * *

Ит ҳам емиш берган одамнинг атрофида
думини ликиллатади.

* * *

Телевизорда кенг осмон бағрида важоҳат
билан олишаётган икки сор бургутни
кўрсатишди. Тавба, тирик жон борки, макон
талашади, жой учун курашади.

* * *

“Гарангдан заранг чиқибди”, деган нақл
бор. Худойим зарангдан чиққан гарангдан
асрасин.

* * *

Қарсак ҳамиша ҳам баҳо эмас, шунчаки
изҳор.



* * *

Бир одамга етадиган мошдек бир маҳал-
лага етадиган муштдек ва бир юртга етадиган
тоғдек ёлғонлар бор.

* * *

Энг соф муҳаббат ҳам асраб-авайланмас
экан, унинг интиҳоси афсус-надомат бўлади.

* * *

Узоқ йиллар хўжаликка раҳбарлик қил-
ган самимий дўст, яхши инсон Бахтиёр
Раззоқовнинг бевақт ўлимини эшитган
оқосоқолларидан бири: “Қишлоқни кўри
кетди”, деди қайғу билан.

* * *

Яхши хотин кўп, лекин доно хотинни
топиш амри-маҳол.

* * *

Ёлғон — этаги очилгунча яшайди.



* * *

Бурч — ҳамду-сано ва мақтовнинг қурбони бўлмаслиги керак.

* * *

Қайнота билан қайнона гижиллашса, келин таскин топади.

* * *

У гўнгфеъл эди. Гапирсанг ҳам, гапирмасанг ҳам сасирди.

* * *

Тилига тош осиб олган эр-хотингина бахтли яшайди.

* * *

“Ичимни ит йиртади, укажон”. — деди боласидан ажраган она.

* * *

Назардан қолган одам, ҳатто ит ҳам ҳазар қиладиган суякка ўхшайди.

* * *

“Нон авлиё, ош пайғамбар бўлган”
замонларни кўргулик қилмасин,

омин”, — деди донишманд қария дуога қўл очиб.

* * *

Ҳар жойнинг тулкисини ўша жойнинг тозиси билан овлайди, дейишади. Агар ўша тулки билан този ошна бўлса-чи?

* * *

Тилни тийиш учун ақлдан занжир керак.

* * *

Нуқул кўзгу олдида ўтирадиган аёлнинг хаёли кўчада бўлади.

* * *

Хотира — ўтин ортилган арава эмас.

* * *

Томчининг тўлқинга урилганидан не наф?

* * *

Ўжар одам — ўсал одам.



* * *

Баъзида хотинни бўғинг келади-ю, аммо бундан яхшисини қайдан топаман, деб шаштингдан қайтасан.

* * *

Асов отга ўхшаган тилни жиловлаш қийин.

* * *

Яхши гап оёқ ёзгунча, ёмон гап қанот чиқаради.

* * *

Шундай тоифа борки, нукул “кўрсатаман, кўрсатаман”, деб кўрқитади. “Қани кўрсат” десанг, секингина “нимани” деб сўрайди.

* * *

Илдизи кўчирилган дарахтнинг мевасидан шира қочади.

* * *

У доим жаҳли чиқишдан олдин тутун қайтарарди.



* * *

Муаммони ўз вақтида ҳал қилмаслик,
яна бир муаммони туғдиради.

* * *

Китоб — ақл билан қалбни боғлайдиган
маънавий элчи.

* * *

Содиқ итнинг вазифаси янги хўжайинга
ҳам садоқат билан хизмат қилиш.

* * *

Мукофот аввал қувонч бахш этади, сўнг
ширин хогирага айланади.

* * *

Газета чоп этиш-ойнага гул солиш дегани
эмас.

* * *

Бизда озиқ-овқат, кийим-кечак бозори,
ёғоч ва цемент бозори ҳамиша гавжум.
Қачон китоб бозори гавжумлашади?



* * *

Бир туманда “Фермер овози” деган газета чоп этилар экан. Унинг овозини саккизта фермердан бошқа ким эшитарди?!

* * *

Ҳайъат йиғилиши — вилоятлардан келганлар қўл қовуштириб, танбеҳ эшитадиган бир пардали драма.

* * *

Хотиннинг гапига кирадиган эрдан мардлик кутма.

* * *

Саксовул — сахронинг маликаси.

* * *

Ҳақиқат ҳақида гапириш, ҳақиқатпарвар дегани эмас.

* * *

У шўро даврида ота ҳам эмас, одам ҳам эмас, қип-қизил коммунист эди. Ҳозир масжиднинг тўрида намоз ўқияпти.



* * *

Ер остида тонг отмайди.

* * *

Мажлис қанчалар мароқли бўлмасин,
қоринни тўйғазмайди. Юбилей бўлса бошқа
гап.

* * *

Фарбнинг демократияси ҳам шўроларнинг
коммунизмига ўхшайди. На унга етиб, на
кўриб бўлади.

* * *

«Хўп»нинг отаси ўлганми, хўп де,
кутуласан.

* * *

У етиштирган гуноҳлар меваси болаларига
мерос бўлиб қолди.

* * *

Ҳамсоя айтган хабарда ҳақиқат бўлади.



* * *

“Баъзан ҳўкиз бўлгинг келади”, деди у
ҳўкиздай ичаётиб.

* * *

Юракка экилган меҳр дарахти меҳр билан
парвариш қилинсагина меҳрибонлик
ҳосилини беради.

* * *

Тугунни боғлашдан олдин уни ечишни ҳам
билиш керак.

* * *

Унинг йили ит бўлмаса ҳам ҳидни тез
сезарди.

* * *

Фарзанд — ота-онанинг келажагини
кўрсатадиган кўзгу.

* * *

Яшалган умрга шукрона айтиш — бахт.



* * *

Топишмоқ топилмаганда қизиқ.

* * *

Бировдан юққан иллатни даволаш мумкин.
Бироқ иллат қонда бўлса давоси йўқ.

* * *

Нукул “сабр қил, сабр қил” дейишади.
Сабр қила-қила бесабрлар оёғи остида қолиб
кетганинг алам қилади.

* * *

Нобакор шогирд кўйнингга кириб олган
илонга ўхшайди. Кимлигини чаққанидан сўнг
биласан.

* * *

У илк шеърини болишга айтди.

* * *

Яхши асар ёзмаганингга яраша, адаби-
ётнинг ахлат қутисини тўлдиришдан
ўзингни тий!



* * *

Ой осмонда доира чизди.

* * *

Эгри ўсган дарахтни тўғрилайман, деб
синдириш мумкин.

* * *

У шундай ярамаски, ҳатто илонни
ўлдиргани тош ҳам бермайди.

* * *

Болалик супанинг у томонидан бу
томонига югуриш жараёнида ўти-иб кетибди.

* * *

Ифлос деган сўз унинг номи олдида
покиза.

* * *

Қизиқ, шўро замонида офаринбозлик ва
қарсақбозлик бошқа хил... бозликларни
келтириб чиқарган хунук манзараларни
кўрдик.



* * *

Хуллас, дунё тўла гап. Қолганлари ҳали саҳифага сиғмади.

ИБРАТЛИ ИБОРАЛАР

Устоз Неъмат Аминов бир суҳбатда шундай деган эди:


“Роман ёзганда ҳам, ҳикоя ёзганда ҳам иймон билан ёзиш керак. Адабиёт дегани, бу — иймон!”

* * *

Яна бир машҳур устозимиз Озод Шарафиддинов суҳбат жараёнида айтган фикри: “Одам меҳнатига яраша маош олмаса, маошга яраша меҳнат қилади”.

* * *

Машҳур шоир Эркин Воҳидов бир даврада шундай деди: “Ёлғончи ёлғон тополмай қолса, рост гапириб юборади”.



* * *

“Менинг “Андиша” (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 8.12. 1989 й.) номли мақоламни ўқиб, нуқул андишасизлар табриклади”, — деди таниқли ёзувчи Хайриддин Султонов.

* * *

Машҳур шоир Абдулла Ориповнинг бир даврада айтган ибораси: “Агар жаннат эшиги олдида бир одам ҳўмрайиб турган бўлса, кишининг жаннатга ҳам киргиси келмай қолади”.

* * *

Таниқли навойишунос Султонмурод Олим китоб ҳақида суҳбатлашганимизда: “Бизда учта буюк китоб бор: “Хамса”, “Алпомиш”, “ Ўтган кунлар”, — деди.

* * *

Ижодий учрашувда таниқли шоир Муҳаммад Юсуф: “Зўр кўп жойда бирлик бўлмайди”, деган эди.



* * *

Таниқли журналист Жаббор Раззоқов бир суҳбатда ушбу иборани айтди: “Газета эрталабки маънавий нонушта”. Ёки яна бир ибора: “Газета ҳам илон пўст ташлагандай янгиланиб туриши керак”.

* * *

Машҳур қизиқчи Ҳожибой Тожибоев ишлатган ибора: “Бой келса, болахонага, камбағал келса, отхонага”. Яна бир эски мақол: “Қашшоқ кўпайса — машшоқ кўпаяр”.

* * *

Устоз Саид Аҳмад бир йиғилишда ушбу иборани айтган эди: “Асқад Мухтор худди бахмалнинг устида югандай охиста қадам ташларди. Унинг оёқ товушини биров эшитмаган”.

* * *

Сафардан қайтган шоир Садриддин Салим Бухорий:

“Шаҳар менга маъқул бўлмади.
Иморатлар бир хил, кўчалар бир



хил, эсда қоладиган башара йўқ”, — деди афсус билан.

* * *

“Талант бўлмаса-да, пала-партиш шеър ёзиш катта гуноҳ. Шунинг учун ҳам уни шеърнинг уволи урди”, — деди адабиётнинг фидойи мухлиси Темур Ғаниев.

* * *

Устоз Неъмат Аминовнинг оталари — бобомиз Уста Амин Нуриллабой ўғли бир суҳбатда шундай деган эдилар: “Ёзувчи икки хил бўларкан. Бир тоифасига истеъдод, бир тоифасига мукофот бериларкан, истеъдодлиси яхши асар ёзиб халқдан олқиш олса, иккинчи тоифа фақат мукофоти учун қарсак оларкан”.

* * *

“Одамларни ҳалолликка, иймонли бўлишга даъват этган адибнинг ўзи шундай фазилатларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда унинг ёзганлари ёлғон



бўлади, ҳеч ким ишонмайди”, — деди устоз Одил Ёқубов.

* * *

Таниқли композитор Манас Левиёв шўро даврида куюниб, шундай деган эди: “Агар Мутаваккил Бурхоновга тўсиқлар бўлмаганда эди, ўзбек мусиқа санъати аллақачон жаҳонга чиқарди.”

* * *

Машҳур ёзувчи Ўткир Ҳошимов бир учрашувда ушбу иборани айтди: “Ўзбек билан тожик икки тилда гаплашадиган бир халқ”.

ОТАМ ОЧИЛ ЖЎРАДАН ҚОЛГАН ЎГИТЛАР

Туман газетасига кичик-кичик хабарлар ёзиб юрардим. Бир куни раҳматлик отам ёнларига чақириб:

— Майда-чуйда хабарлар ёзишингни қўй, ўғлим. Энди каттароқ бир нарсалар

ёзгин, тўрт одам ўқиб, бир-бирига айтадиган бўлсин! — деди.

* * *

Талабалик йиллари қишлоққа бордим. Бир ҳамқишлоғимиз тўй қилаётган экан. Жўралар билан тўйга бермоқчи бўлиб, ясаниб-тусаниб, дарвозадан чиқаётсам, отам сўраб қолдилар:

- Қаёққа, ўғлим?
- Тўйга, жўралар билан бормоқчидим.
- Сени ўзи тўйга айтишганми?
- Йўқ, — дедим-у нафасим ичимга тушиб кетди. Ва... шундан сўнг айтилмаган жойга бормайдиган бўлдим.

* * *

1976 йили “Муштум” журналида қишлоғимиз “Жалойир”нинг хароб йўли ҳақида ёзган танқидий мақолам босилди. Табиийки, бу совхоз раҳбарларига ёқмаган. Совхоз директори отам қоровул бўлиб ишлайдиган фермада катта йиғилиш уюштириб, бир қатор долзарб масалаларни гапириб



бўлгач, мақола ва унинг муаллифини тилга олган. Каминанинг номини айтиб: “бу бола кимнинг ўғли”, деб сўраган. Отам шартта ўринларидан туриб:

— Менинг ўғлим, — деган.

— Ия, Очил ака Сизнинг ўғлингизми? Шу биздан бир оғиз сўраб ёзмабди-да ўғлингиз, — дебди директор.

Отам турган жойидан жавоб берибди:

— Нима қилай директор бува, мендан ҳам сўрагани йўқ-да!

* * *

Бир сафар отам шундай насиҳат қилганлар:

— Директорни қўйгин, бўлим бошлиғига индама, бригадир билан ишинг бўлмасин, лекин табелчи билан соз бўлгин!

* * *

Укам Абдуҳатнинг товуши ўткир. Гапирганда хона гумбурлаб кетади. Шундай пайтда отам унга ҳазил қиларди:

— Секин гапир, ўғлим, ҳамсоянинг сигири туғиб кўяди.



* * *

Отам эртанинг ташвишини кўп ҳам ўй-
ламасди. Шу боис мол-дунё йиғиш, тежаб-
тергаш у кишининг табиатига мутлақо
бегона эди. “Бугун ўтсин, эртага Худо
пошшо”, деган ҳикматни тез-тез
такрорлаб турарди ва бир умр шу ҳик-
матга амал қилиб яшадилар.

Кейинги китобда учрашгунча омон
бўлинг, азиз ўқувчи!



Ашурали ЖЎРАЕВ

**САҲИФАГА СИГМАГАН
САТРАП**

*Ҳаётнинг жажжи сабоқлари,
қулоққа чалинган иборалар ва
ҳазил қайдлар*

*Муҳаррир Р. Субҳон
Мусаввир М. Одилов
Мусаҳҳиҳ: Нарғиза Жаббор қизи
Саҳифаловчи С. Пўлатов*



84 (5Ў)6 **Жўраев, Ашурали.**

Ж96

Саҳифага сизмаган сатрлар: Ҳаётнинг жажжи сабоқлари, кулоққа чалинган иборалар ва ҳазил қайдлар/ Ашурали Жўраев; Масъул муҳаррир Жаббор Раззоқ. – Тошкент: Istiqlol, 2008. – 64 б.

ББК 84 (5Ў)6

**Босишга рухсат этилди 16.06.2008 й.
Бичими 60×84 1/32. Нашр табоғи 2,0.
Адади 1000.**

**“Истиқлол” нашриёти,
Тошкент. 100129. Навоий кўчаси, 30**

**ХТ “Раззоқов О.Ж.” босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент 100129. Навоий кўчаси. 30.
Буюртма № 185.**

